

Отанинг вафотидан кейин унинг яқинларига силаи раҳм қилиш



15:58 / 23.01.2025 1720

لَصَيِّفٍ وَتَوَمَّ دَعْبُ هَابِ الصَّيِّ نَ اَدَارَا نَم : بِاطْخُلَا نُب رُمُعَ لَاق : لَاقٍ تَبَاثَ نَع
عُ نَاوُخِ ا

Отанинг вафотидан кейин унинг яқинларига силаи раҳм қилиш

Собитдан ривоят қилинади:

«Умар ибн Хаттоб: «Ким отасига унинг ўлиmidан кейин силаи раҳм қилмоқчи бўлса, унинг ака-укаларига силаи раҳм қилсин», деди».

Шарҳ: Ота вафот этиб кетди. Бола ўтиб кетган отасига силаи раҳм қилмоқчи. Агар у отасининг ака-укаларига – амакиларига ният билан яхшилик қилса, худди отасига яхшилик қилгандек бўлади. Чунки одатда

амакилар доимо жиянлардан катта бўладилар. Зотан, Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Отаси йўқнинг отаси амакисидир», деганлар.

Демак, ота йўқ пайтида амаки отанинг ўрнига қолади. Шунинг учун амакиларни эҳтиром қилиш, уларнинг дуосини олиш, уларга яхшилик, эҳсон ва силаи раҳм қилиш худди отага қилган яхшиликлар ўрнига ўтар экан.

يُفُوهَابَأَلصَيِّئِنَبَحْأَنَمَ: لَأَقْرَبُاطْخُلَالنَّبَرَمُعْنَأَانَعَلَب: لَأَقْرَبُيِنَأَنْبَلِلِتَبَاثَنَع
هُدَعَبِهَيَبَأْنَأَوْخِإِلصَيِّلَفِهَرَبَق

Собит Бунанийдан ривоят қилинади:

«Бизга Умар ибн Хаттобнинг «Ким отасига қабрида силаи раҳм қилишни истаса, отасининг ака-укаларига силаи раҳм қилсин», дегани етган».

Ибн Ҳиббон ва Бағавий ривоят қилишган.

Шарҳ: Қаранг, ота-она дунёдан ўтиб кетганларидан кейин ҳам фарзандларда уларнинг ҳақлари қолар экан. Фарзанд қабрида ётган отасига ҳам яхшилик қилиши мумкин бўлиб, бунинг учун у отасининг ака-укаларига яхшилик қилиши етарли экан.

«إِنَّ» لَوُقَيِّمٌلَسَوَهَوَيْلَعُهَلَلِإِيْلَصِهَلَلِإِلْوَسْرُتَعَمَس: لَأَقْرَمُعْنَبِهَلَلِإِدَبَعَنَع
بَأَلِإِيْلَوُي: يِنَعِي «يَلْوُيْنَأَدَعَبِهَيَبَأْدَوْلَهَأَلْجِرَلِإِلصَيِّئِنَأْرَبَلِرَبَأ

Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитдим: «Яхшиликларнинг энг яхшиси киши отасининг яхши кўрганларига яхшилик қилишидир. У кетганидан кейин».

Яъни отаси вафот этганидан кейин».

Шарҳ: Бола бу дунёдан ўтган отасига яхшилик қила олмаяпти. Унинг отамга яхшилик қилай, деган нияти бўлса, отасининг яхши кўрган кишиларини зиёрат қилсин, уларга яхшилик қилсин, уларни ҳурмат қилсин, отасининг ўрнига уларни эҳтиром этсин. Бу билан худди отасининг ўзига яхшилик қилгандек бўлади, отасининг руҳи шод бўлади.

Бу ҳадисдан ўғил ёки қиз фарзанд ота-онасини чиндан ҳам севса, уларга вафотларидан кейин ҳам яхшилик қилишда давом этишни истаса, улар

дўст тутган кишиларни ота-онасини ҳурмат қилгандек ҳурмат қилиб, уларга моддий ёрдам, хайр-эҳсонлар ва бошқа яхшиликлар қилиб туриши лозимлигини билиб оламиз.

وَوَيْبَ أَلْأَقْسُ وَأَطْرِبِ هَلْ لِدُبْعٍ نَأْ لِحَرْوَعٍ، وَأَيُّ فُسَيْبِ أُنْبَ عَظْمَ حَنْعٍ
لِحَرْوَعٍ لَأَق. أَلْفُ رُظْنِ أَفِوَبِ يَنْدُهُتَ تَنْكُ أَمَ لَأَقِ؟ يَنْيْ صُوتَ أَمَ تِوَمَ لَأَبِ
هَلْ لِي شَمَفٍ، وَسَرَفٍ نَعِ هَلْ لِدُبْعٍ لَزَنَفٍ لِحَرْوَعٍ... ذِي عَمَ أَنْ أَوْ هَلْ لِدُبْعٍ أَمَ نِيْبَفِ
هَنْضَتِحَ إِتِحَ

Ҳанзала ибн Абу Суфёндан, у бир кишидан ривоят қилади:

«Абдуллоҳ ибн Товус ўлим тўшагида ётган отасига: «Нимани васият қиласиз?» деди.

«Менга ҳадя қиладиган нарсангни фалончига қил», деди.

Ўша киши (ровий) айтди: «Абдуллоҳ кетаётган эди. Мен у билан бирга эдим. Бирдан мазкур киши чиқиб қолди. Абдуллоҳ отдан тушди ва юриб бориб, уни қучоқлади».

Шарҳ: Абдуллоҳ ибн Товус отаси ғарғара ҳолида ётганида, яъни касали оғирлашиб, ўлим яқинлашганида «Нимани васият қиласиз?» деб сўради. «Менга ҳадя қиладиган нарсангни фалончига қил», деди отаси.

Яъни **«Менга ҳадя қилиб юрадиган нарсангни, мени хурсанд қиладиган нарсангни фалончига қилиб юргин»**, деб бир дўстининг исмини айтди.

Ровий айтади: «Абдуллоҳнинг отаси вафот этганидан кейин бир куни у билан бирга кетаётган эдик. Отаси айтган ҳалиги одам кўриниб қолди. Шунда Абдуллоҳ отидан тушиб, югуриб бориб, мазкур одам билан қучоқлашиб сўрашди». Яъни отасининг васиятига амал қилиб, унинг дўстига шу даражада ҳурмат кўрсатдики, бу билан у худди отасига яхшилик қилгандек бўлди.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Сафарда бир аъробий ўтиб қолди. Ўша аъробийнинг отаси Умар розияллоҳу анҳунинг дўсти бўлган эди. Аъробий: «Фалончининг ўғлимисан?» деди.

«Ҳа», деди Ибн Умар ва орқасидан эргаштириб юрадиган эшакни беришга амр қилди. Бошидан салласини ечиб, унга берди. Шунда у билан бирга

турганлардан бири: «Унга икки дирҳам кифоя қилмасмиди?!» деди.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Отангнинг дўстлигини муҳофаза қил. Уни кесма. Яна Аллоҳ нурингни сўндириб қўймасин», деганлар», деди Ибн Умар».

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу сафарда кетаётиб, бир аъробий – сахролик арабни учратиб қолибдилар.

Аъробийлар саводсизлиги, соддалиги, муомалалари бироз қўполроқ бўлиши билан маълум ва машҳур бўлишган. Ана шу аъробийнинг отаси ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг дўсти бўлган экан.

Аъробий Ибн Умарга қараб: «Сен Умарнинг ўғлимисан?» дебди.

«Ҳа, мен Умарнинг ўғлиман», дебдилар Абдуллоҳ Ибн Умар розияллоҳу анҳу ва унга бир эшак совға қилишга амр этибдилар, бошларидаги саллаларини ҳам ечиб, унга кийгизиб қўйибдилар.

Шунда Ибн Умар розияллоҳу анҳунинг ҳамсафарларидан баъзилари: «Бунга бир-икки дирҳам бериб қўйсангиз ҳам бўларди», дейишибди.

Абдуллоҳ Ибн Умар розияллоҳу анҳу: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Отангнинг дўстлигини муҳофаза қил. Уни кесма. Яна Аллоҳ нурингни сўндириб қўймасин», деганлар. Шунинг учун бу одам икки дирҳамга лойиқ бўлса ҳам, эшак миндириб, салламни кийгиздим», дебдилар.

Бошқа ривоятларда ҳамсафарларининг «Бу оз нарса билан ҳам хурсанд бўлаверарди», дейишгани, у кишининг эса «Унинг отаси менинг отамнинг дўсти эди, шунинг учун эҳтиром қиляпман, чунки Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шунга амр қилганлар», деганлари айтилган.

Демак, «Ота-онамга улар вафот этиб кетганларидан кейин ҳам яхшилик қилишни истайман», деган фарзанд ота-онаси дўст тутган кишиларни дўст тутиб, уларга яхшилик қилишда Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ибрат олиши керак бўлади.

نُؤَلِّصُ أَوْ تُؤْمِلُ أَوْ نُؤَلِّدُ أَبَتُؤْمِلُ أ... وَنُؤَلِّدُ أَبَتُؤْمِلُ أ... وَنُؤَلِّدُ أَبَتُؤْمِلُ أ... وَنُؤَلِّدُ أَبَتُؤْمِلُ أ...
لَعَلَّ وَرَعَاهُ لَلِأَيْفِ

Каъбдан ривоят қилинади:

«Ота-онанг яхшилик қилиб юрган кишиларга яхшилик қилсанг, ўша ҳам яхшилик бўлади. Аллоҳ аzza ва жалла учун бир-бирлари билан алмашувчи ва боғланувчилар...»

Шарҳ: Демак, ким ота-онаси яхшилик қилиб юрган одамга улар ўтиб кетганларидан кейин яхшилик қилса, ана ўша иши ўз ота-онасига қилган яхшилик каби бўлади, Аллоҳнинг йўлида силаи раҳм, бир-бири билан хайр-баракани алмашиш бўлади.

«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз.

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.